

## VII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

**Юк ташиш.** Автомобиль транспортида 16,9 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 7,5 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 321,3 млн. тн-км.ни ташкил қилди ва 15,5 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 101,7 фоизга кўпайди ва 104,8 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 32,6 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-сентябрда 37,1 фоиз).

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг юк ташиш бўйича улуши 94,1 фоизни ташкил этган.

### Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича ифодаланиши

	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------------------------	---

<b>Ташилган юк, млн. тн</b>	<b>16,9</b>	<b>107,5</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Автомобил транспортида	16,9	107,5
<b>Юк айланмаси, млн. тн-км</b>		
Юк айланмаси, млн. тн-км	321,3	115,5
<i>шу жумладан:</i>		
Автомобил транспортида	321,3	115,5

**Йўловчи ташиш.** 2018 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 338,1 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 101,8 фоизга кўпайиб, 6449,8млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг йўловчи ташиш бўйича улуши 97,6 фоизни ташкил этган.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобиль транспортида йўловчи айланмаси (2017 йил январь-сентябрга нисбатан) 102,3 фоизга кўпайди ва 5929,0 млн.йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 91,9 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-сентябрда 91,5 фоиз).

**Транспорт турлари бүйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси**

	<b>2018 йил январь- сентябрь</b>	<b>2017 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</b>
<b>Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>338,1</b>	<b>102,4</b>
шу жумладан:автомобил транспортида	338,1	102,4
<b>Йўловчи айланмаси, млн. йўлоёчи-км</b>	<b>6449,8</b>	<b>101,8</b>
шу жумладан:автомобил транспортида	6449,8	101,8